

М. Акаева

**ХЎЖАЛИК
ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ**

услубий қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

**ХЎЖАЛИК
ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ**

услубий қўлланма

Наманган-2014

Наманган давлат университети ўқув-услугбий кенгашининг 2014 йил 27 шондаги 10-сонли мажлис баённомасига асосан чоп этишига тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

ю.ф.н. Ж.Қознходжаев

Такризчилар:

Ҳуқуқшунослик кафедраси
катта ўқитувчиси О.Чубоева

Тузувчи:

Ҳуқуқшунослик кафедраси
катта ўқитувчиси,
ю.ф.н. М.А.Акаева

Мазкур қўлланмада «Хўжалик процессуал ҳуқуқи» фанини ўзлаштиришда талабаларга асосий эътибор берилиши лозим бўлган масалалар бўйича тавсиялар, шунингдек талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида назорат саволлари ҳамда тестлар ҳам берилган.

Услугбий қўлланма Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун «Хўжалик процессуал ҳуқуқи» фанини мустақил ўрганишларида яқин кўмакчи вазифасини ўтайди.



СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шакллантирилишининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу борада республикаимизда, айниқса, судлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган кўплаб ҳуқуқ нормалари ишлаб чиқилди. Юртбошимиз “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли нутқларида: «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳуқуқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир», - дея таъкидлаган эди. Ушбу эзгу ниятларни тўлароқ рўёбга чиқариш мақсадида илгари факатгина давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган арбитраж ўрнига энди ҳалқимизнинг иктисодий ҳақ-ҳуқуқларини қўллайдиган хўжалик судлари ташкил топди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимият ва идора органларидан мустақил бўлган учинчи ҳокимият бўлган суд системасининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон ўз олдига «Фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур қафолатларни яратиб бериш»дек вазифани қўйган бўлиб, бу мақсадни амалга ошириш соҳасидаги тартибга солувчи миллий қонунчилигимизни ҳалқаро ҳуқуқий андозаларга мувофиқлаштириш, энг асосийси, мазкур қонунларни амалда қўллашни таъминлай оладиган мутахассис кадрларни тайёрлашдан иборат.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ ҳолда хўжалик судлов соҳасидаги қонунчилигимизни яхши биладиган, уларни таҳлил қилиб, амалда қўллай биладиган мутахассисларни тайёрлаш бугунги қунимизнинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир.

Ушбу услубий қўлланма эса айнан юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришда талабаларга хўжалик процессуал қонунчилигини мукамал ўрганишларига қўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди: тизими, вазифаси ва ваколатлари

Ушбу мавзунини ёритишда талаба, аввало, Ўзбекистон Республикасида хўжалик судларининг тарихига, яъни хўжалик судларининг суд ҳокимияти сифатида шаклланиши учун зарур бўлган асосларга, уларнинг таракқиётига, Собик иттифоқ даврида амал қилган арбитражлардан фарқланиш хусусиятларига тўхталиши керак. Талаба мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги концепциясини ўрганишга алоҳида аҳамият бермоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги хўжалик судларини суд ҳокимияти сифатида белгиланиши асосларини чуқур ўзлаштириши, Ўзбекистон Республикасида «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг III, IV бўлимларини диққат билан ўрганиш асосида хўжалик судларининг вазифалари, ваколатлари доирасини, судьяларнинг мақомини билиб олиши мақсадга мувофиқ.

I. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хўжалик судларини тузилишини ва фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳақида.
2. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг тизими.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди – хўжалик низоларини кўришда одил судловни амалга оширувчи энг олий орган.
4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари, уларнинг вазифалари.

2. Қуйидаги берилган тест саволларини ҳал қилинг

1. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизими тўғри кўрсатилган каторни кўрсатинг

А. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси олий хўжалик суди, вилоят хўжалик судлари, Тошкент шаҳар хўжалик суди.

Б. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик суди.

В. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон республикаси олий хўжалик суди, вилоят, туман, шаҳар хўжалик судлари.

Г. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсати, Олий ҳужалик суди пленуми, Олий ҳужалик суди Ҳайъатлари.

2. Шаҳар ҳужалик судлари ким томонидан тузилиши мумкин?

А. Олий ҳужалик суди.

Б. Олий ҳужалик суди Раисининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

В. Вилоят ҳужалик судининг раиси томонидан.

Г. Барча жавоблар тўғри.

3. Тошкент шаҳар ҳужалик суди қачон ташкил топган, унинг ҳуқуқий асоси.

А. 1996 йил, 25 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳужалик судлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ;

Б. 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида «Судлар тўғрисида»ги қонунга асосан;

В. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан;

Г. 1991 йил, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши муносабати билан.

4. Ҳужалик судларининг давлат арбитражидан фарқи.

А. Одил судловни амалга ошириши билан;

Б. Давлат бошқарувини амалга ошириши билан;

В. Турли мулк шаклларига эга бўлган ҳужалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнидаги бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан;

Г. Давлат бошқарув органи бўлиб, ҳужалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келган низоларни ҳал қилувчи органлиги билан;

Д. А ва В жавоблар тўғри.

5. Олий ҳужалик судининг таркиби:

А. Олий ҳужалик судининг раиси, унинг ўринбосарлари, судлов Ҳайъатлари раислари, Олий ҳужалик суди судьялари.

Б. Олий ҳужалик суди раислари, бош прокурор, Адлия вазири, судьялари.

В. Олий ҳужалик судининг раиси, судьялар, Пленум аъзолари, судьялар, бош прокурор.

Г. Олий ҳужалик суди раиси, судьялар, пленум аъзолари.

Д. Бош арбитр, арбитраж, Бош прокурор, Адлия вазири.

6.Олий ҳужалик судининг Пленуми бир йилда неча марта чакирилади?

А. Ҳар икки ойда бир марта.

Б. Ҳар олти ойда бир марта.

В. Камида бир йилда 2 марта.

Г. Камида бир йилда 3 марта.

7.Олий ҳужалик судининг пленуми қачон ваколатли ҳисобланади?

Пленум аъзоларининг пленум мажлисида:

А. 1/2 қисми иштирок этганда.

Б. 3/2 қисми иштирок этганда.

В. 2/3 қисми иштирок этганда.

Г. Аксарият кўпчилик иштирок этганда.

8.Олий ҳужалик судининг раиси лавозимига қандай шахслар сайланиши мумкин?

А. 25 ёшдан ошган, юридик маълумотга эга бўлган, камида 2 йил мутахассислиги бўйича иш стажига эга бўлганлар.

Б. олий юридик маълумотлилар, малака имтиҳонини топшириб, судьялик лавозимида беш йил ишлаган Ўзбекистон фуқароси.

В. олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича етти йил меҳнат стажига, ундан камида беш йилни судьялик лавозимида ўтказган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон фуқароси.

Г. олий юридик маълумотли, 35 ёшдан ошган, арбитраж лавозимида камида 10 йил ишлаган Ўзбекистон фуқароси.

Д. олий юридик маълумотга эга бўлган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон фуқароси.

9.Олий ҳужалик судининг раисини сайлаш ёки тайинлаш тартиби.

А.Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Б. Ҳалқ томонидан сайланади.

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Олий мажлис томонидан сайланади.

Г. Олий ҳужалик суди Пленумида судьялар ичида номзодлар кўрсатилиб, кўпчилик овозини олган судья сайланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раёсатининг таркиби:

А. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг раиси, унинг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми белгиланган миқдордаги ҳужалик суди судьяларидан иборат.

Б. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми аъзоларидан;

В. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг раиси, унинг ўринбосарлари ва пленум аъзоларидан иборат;

Г. Пленум томонидан сайланган судьялардан иборат.

Хўжалик жараёни тушунчаси ва хўжалик процессуал ҳуқуқи тушунчаси

Мазкур мавзуни ўрганишда талаба дастлаб хўжалик жараёнининг ўзи нима деган саволга жавоб излаб топмоғи лозим. Шундан кейингина хўжалик жараёни қандай босқичлардан ташкил топган, бу босқичларнинг Ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари нималардан иборат эканлигини ўрганиши керак. Шунингдек, бу мавзуни ўрганишда талаба, хўжалик низолари нима эканлигини, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос томонлари нимадан иборатлигини, режали иқтисодиёт давридаги хўжалик низоларининг бозор иқтисодиёти шароитидаги хўжалик низоларидан фаркланадиган томонларини ажрата билиш лозим.

Ушбу мавзуда, хўжалик процессуал ҳуқуқининг предмети, яъни фан сифатида ўрганиш соҳаси нимадан иборат эканлиги масаласини аниқлаш кульминацион нуқта ҳисобланади. Мавзуда хўжалик процессуал ҳуқуқининг тизими, унинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ҳамкорлиги, ўхшашлик томонлари ҳамда уни бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқловчи ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлиги масалалари ҳал этилиши ҳам эътибордан четда қолмаслиги даркор.

Мавзуни тўлиқ ёритилиши учун албатта бу ҳуқуқ соҳасининг манбаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Аввало, асосий қонунинимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, хусусан «Судлар тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексини, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини ва бошқа жорий қонунларни шунингдек Президентимизнинг республикамызда Суд ислоҳоти билан боғлиқ бўлган ва хўжалик судлари фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлган фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўрганиш тавсия этилади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорларини ҳам ўрганишни унутмаслик лозим.

I. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Хўжалик жараёни тушунчаси ва унинг босқичлари.
2. Хўжалик низолари, уларнинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитидаги моҳияти.
3. «Хўжалик процессуал ҳуқуқи» фанининг предмети.
4. «Хўжалик процессуал ҳуқуқи»нинг бошқа ҳуқуқий фанлар билан алоқадорлиги ва ўзига хос хусусиятлари.

5. «Хўжалик процессуал ҳуқуқи»нинг тизими.

II. Қуйидаги берилган тест саволларни ҳал қилинг

1. Хўжалик низолари нима?

А. иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар;

Б. фуқаровий ва маъмурий муносабатлардан келиб чиққан келишмовчиликлар;

В. хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик фаолиятини юритишдан келиб чиққан келишмовчиликлар;

Г. банкротлик билан боғлиқ бўлган келишмовчиликлар.

2. Хўжалик жараёни нима?

А. хўжалик процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган фаолият;

Б. хўжалик суди судьяларининг ҳаракатлари мажмуи;

В. хўжалик суди иштирокчиларининг фаолияти;

Г. суд мажлисининг олиб борилиши.

3. Хўжалик жараёни неча босқичдан иборат?

А. 5 та

Б. 8 та

В. 6 та

Г. 3 та

4. Хўжалик жараёнининг босқичлари:

А. судгача низоларни ҳал қилиш, судда кўриш, ижро қилиш;

Б. биринчи инстанция судида иш юритиш, апелляция, кассация, назорат, янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш, ижро.

В. талабнома келтириш, даъво кўзғаш, биринчи инстанция судида иш юритиш, ишларни қайтадан апелляция ва кассация, назорат тартибида кўриш, қарор қабул қилиш, ижро.

Г. даъво кўзғаш, келишув битими тузиш, ижро.

5. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг предмети:

А. суд мажлисида текширилган ва ҳал қилинадиган ишлари туфайли бўладиган, суд фаолияти натижасида вужудга келадиган, суд ва процессдаги иштирокчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар;

Б. Хўжалик низоларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси;

В. хўжалик низолари;

Г. хўжалик судларининг фаолияти.

6. Хўжалик процессуал ҳуқуқи деб,

А. суд мажлисида текширилган ва ҳал қилинадиган ишлари туфайли бўладиган, суд фаолияти натижасида вужудга келадиган, суд ва процессда иштирокчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга айтилади.

Б. суд хўжалик ишларни кўриш орқали одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган, процесс иштирокчиларининг ҳаракатларини қонун асосида тартибга соладиган, шунингдек суд қарорларининг ижро этиш тартибини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларнинг йиғиндисига айтилади.

В. хўжалик суди иштирокчиларининг ҳаракатларини ҳуқуқий тартибга солинишини ўзига мужассамлаган ҳуқуқ тармоғига айтилади.

Г. хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнидаги ижтимоий муносабатларига айтилади.

7. Хўжалик процессуал ҳуқуқи неча қисмдан иборат?

А. 2 қисм: умумий, махсус.

Б. 3 қисм: умумий, махсус, функционал.

В. фақат битта қисмдан.

Г. тўғри жавоб йўқ.

8. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари тўғри кўрсатилган қаторни кўрсатинг.

А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Б. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

В. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қарори.

Г. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг кафолатлари, Банкротлик тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонун.

9. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг қайси бўлими хўжалик судларига багишланган:

- А. 2
- Б. 3
- В. 4
- Г. 2 ва 3.

10. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси қачон қабул қилинган.

- А. 2 сентябр 1993 йилда;
- Б. 1 январ 1998 йилда;
- В. 30 август 1997 йилда;
- Г. 28 август 1997 йилда.

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари

Мавзуни ўзлаштиришни хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари тушунчасини аниқлаб олишдан бошламоқ лозим. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойилларини тизимини икки гуруҳга ажратиб, суд тизимига оид хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва хўжалик судида суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган тамойилларга тасниф бермоқ лозим. Мавзуни ёритишда аввало конституцион тамойилларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонуни, хўжалик процессуал кодексининг нормаларига таянган ҳолда очиқ бериш керак. Суд ишларини юритиш билан боғлиқ тамойилларни таснифлашда хўжалик процессига хос тамойилларнинг фуқаролик ва жиноят процессидаги иш юритиш тамойиллари билан ўхшашлик, ўзига хос тамойилларини очишга ҳаракат қилмоқ лозим.

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Хўжалик процессуал ҳуқуқи тамойиллари тушунчаси.
2. Хўжалик процессуал ҳуқуқи тамойиллари тизими.
3. Хўжалик судлари тузилишига оид тамойиллар.
4. Хўжалик суд ишларини юритишга оид тамойиллар.

2. Қуйидаги берилган тест саволларни ечимини хал қилинг.

1. Хўжалик процессининг тамойиллари деб,

А. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг асосий раҳбарий қоидаларига айтилади.

Б. Хўжалик процессуал кодексида ифода этилган асосий қоидаларга айтилади.

В. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўз аксини топган нормаларга айтилади.

Г. Бозор иқтисодиёти қонуниятларига айтилади.

2. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари нечта гуруҳга ажратилади.

А. 2 та, умумий ва махсус.

Б. 3 та, умумий, махсус ва тармоқлараро.

В. 2 та, конституцион, суд ишларини юритишга оид.

Г. 3 та, конституцион, суд ишларини юритишга оид, суд тузилишига оид.

3. Суд ишларини юритишга оид тамойиллар қайси қаторда тулик кўрсатилган

А. Одил судловни фақат суд томонидан олиб борилиши, чин ҳақиқат, диспозитивлик, процесс иштирокчиларининг конун ва суд олдида тенглиги суд ишларини коллегиял асосда кўрилиши,

Б. Одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши, процесс иштирокчиларининг конун ва суд олдида тенглиги, одил судловни сайланган судьялар томонидан амалга оширилиши, хўжалик ишларининг биринчи инстанция судида кўрилишида судьянинг якка тартибда, юқори судларда эса, ишларнинг хайъатда, яъни энг камида учта судья иштирокида кўрилиши, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг қонунларга бўйсунуши, суд ишларининг миллий тилда юритилиши, судда ишни кўришнинг ошқоралиги.

В. Ишларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ ҳал қилиниши, процессдаги эркинлик ҳуқуқи, тортишувчилик, хўжалик ишларида иштирок этувчи тарафларнинг процессуал тенг ҳуқуқлилиги, ишнинг ёзма ҳужжатлар асосида оғзаки кўрилиши, иш кўришнинг бевоситалиги, суд ишининг узлуксиз кўрилиши.

Г. Ошқоралик, диспозитивлик, тенг ҳуқуқлилиги, одил судловлилик, миллий тил.

4. Суд ишларини миллий тилда юритилиши ЎР ХПК нинг қайси моддасида ўз ифодасини топган.

А. 10 – моддасида.

Б. 3 - моддасида.

В. 21 - моддасида.

Г. 14 - моддасида.

5. Хўжалик судларида ишлар ёпиқ мажлисда кўриладими?

А. Йўқ, чунки бунда ошқоралик тамойили бузилади.

Б. Мумкин, агар даъвогарнинг аризаси бўлса.

В. Давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш зарур бўлган тақдирда.

Г. Судья томондан зарур деб топилган ҳолларда.

6. Хўжалик судларида суд ишлари қайси тилда юритилади.

А. Давлат тилида.

Б. Ўзбек ва рус тилларида.

В. Ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида.

Г. Ўзбек, қорақалпоқ ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда.

7. Ўзбекистон Республикасида одил судлов тамойили нимани англатади.

А. Фақат суд томонидан қонун асосида суд ишларини юритилишини

Б. Суд ишларини одилона ҳал қилинишини.

В. Ҳақиқатнинг урнатилишини.

Г. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан тузилган суд органлари томонидан ҳар қандай шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонунга мувофиқ ҳал этилишини.

8. Хўжалик судлари суд ишларини қандай тартибда юритадилар.

А. Якка тартибда.

Б. Ҳайъатда.

В. 3 та судьядан кам бўлмаган Ҳайъатда.

Г. Якка ва уч ёки ундан ортиқ нафар судьялардан иборат тартибда.

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат ва унинг субъектлари

Мавзуни ўрганишни талаба дастлаб хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат тушунчасини аниқлашдан бошламоғи лозим. Албатта бунда хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатни бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан умумийлиги ва фарқловчи хусусиятларини ҳам ажратишга ҳаракат қилиши керак.

Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг муҳим элементларидан бири бу унинг субъектлари масаласидир. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг асосий субъекти сифатида хўжалик судларининг ўрнини очиқ бериш керак. Ушбу мавзуни очишда хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларини турларга бўлиши ва уларнинг ҳар бирини ҳуқуқий ҳолатини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур ўрганиб чиқиши лозим.

1. Қуйидаги берилган саволларга жавоб беринг.

1. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат тушунчаси ва унинг элементлари.

2. Хўжалик судлари – хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида. Хўжалик судининг таркиби.

3. Ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4. Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари: хўжалик судида вакиллик, гувоҳ, эксперт, таржимон.

2. Қуйидаги берилган тест саволларни ечимни топинг

1. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат бу:

А. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатдир.

Б. Хўжалик процессуал қонунчилик нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир.

В. Хўжалик процесси иштирокчилари ўртасидаги муносабатлардир.

Г. Хўжалик суди ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлардир.

2.. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хос хусусиятларни кўрсатилган қаторни кўрсатинг:

А. Суд ҳар бир хўжалик процессуал муносабатда албатта иштирок этувчи субъект бўлиб ҳисобланади;

Б. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатларда асосий субъект бўлиб кўрилган суднинг манфаатлари процессуал ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъектлари манфаатларига зид келмайди;

Процессуал ҳаракатни амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар фақат юридик муносабатлар тарзидагина мавжуд бўлиши мумкин.

В. Хўжалик процессуал муносабатларда процесснинг барча иштирокчилари фақат суд билан процессуал муносабатларда бўлсалар ҳам, аммо бу ҳолат ягона бир бутун процессуал ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирмайди.

Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

4. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари бу:

А. Хўжалик судлари, тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар, аризачилар ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар банкротлиги тўғрисидаги ишлардан манфаатдор бошқа шахслар.

Б. Тарафлар, учинчи шахслар, Прокурор, давлат органлари ва бошқа органлар.

В. Гувоҳ, эксперт, таржимон, тарафлар.

Г. Тарафлар, учинчи шахс, ишнинг бошқа иштирокчилари.

5. Тарафлар ким?

А. Даъвогар ва жавобгар,

Б. Суд ва ишнинг иштирокчилари.

В. Даъвогар ва прокурор, учинчи шахслар, аризачилар.

Г. Ишдан манфаатдор бўлган ҳар қандай манфаатдор шахс.

6. Хўжалик процессида тарафлар сфатида кимлар иштирок эта олади?

А. Жисмоний шахслар. Юридик шахслар.

Б. Ҳар қандай манфаатдор шахс.

В. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс, юридик шахс

Г. Мулкчилик шаклидан катъий назар ҳар қандай шахс.

7. Прокурор хўжалик жараенининг субъекти сифатида иштирок эта оладими?

- A. Фақат алоҳида ҳолларда.
- Б. Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина
- В. Ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

8. Мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар:


- A. Хўжалик суди қарори қабул қилунгунга қадар ишга киришиши мумкин ва даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади;
- Б. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига асосан ишга киришиши мумкин;
- В. Агар иш бўйича ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ишга киришиши мумкин.
- Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

9. Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар:

- A. Хўжалик суди қарори қабул қилунгунга қадар ишга киришиши мумкин ва даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади;
- Б. Агар иш бўйича ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ишга киришади;
- В. ишда иштирок этадиган шахсларнинг илтимосига асосан ишга киришади;
- Г. Б ва В жавоблар тўғри.

10. Хўжалик судлов ишларини юртишнинг бошқа иштирокчилари қимлар?

- A. Ишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа идоралар;
- Б. Вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар.
- В. Учинчи шахслар, прокурор, ҳуқуқий ворислар.
- Г. Ҳамма жавоб тўғри.



Хўжалик судига тааллуқли ишлар ва судловга тегишлилик

Мавзуни ўрганишда аввало тааллуқлилик ва тегишлилик тушунчаларини бир-биридан фарқлаб ҳар бирига алоҳида тушунча бермоқ лозим.

Хўжалик судига тааллуқли ишлар доирасини Ўзбекистон Республикаси ХПК нинг 23-моддаси қоидаларини чуқур таҳлил қилиш асосида ўрганиш мумкин. Бу масалани ўрганишда хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар доирасини аниқлаб олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу мавзу бўйича ишларнинг судловга тегишлилиги масаласини алоҳида эътибор билан ўрганишни тақозо этади. Бу саволга жавоб тайёрлашда судловга тегишлиликнинг турларини аниқлаш, уларнинг ўзига хос томонларини очиқ бериш талаб этилади.

Мавзуда ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш ҳолларини ҳам ўрганилиши талаб этилади.

Мазкур мавзуни ўзлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларини, Ўзбекистон Республикасида «Судлар тўғрисида» ги қонуннинг 3-бўлими, Ўзбекистон Республикаси ХПК нинг 3-боби нормаларини чуқур ўрганиш лозим. Мавзуни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июлда «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 1998 йил 4 мартда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонларини ҳар томонлама таҳлил этилиши талаб этилади.

1. Қуйидаги берилган саволларга жавоб беринг:

1. Тааллуқлилик тушунчаси. Хўжалик судларига тааллуқли ишлар.
2. Судловга тегишлилик тушунчаси ва турлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди судловига тегишли ишлар.
4. Ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказиш.

2. Қуйидаги берилган тест саволларни ҳал қилинг:

1. Хўжалик ишларининг тааллуқлилиги деб:

А. Бундай ишларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилотига юклатилганлиги тушунилади.

Б. Судларнинг ваколотига берилган хўжалик ишларини қайси суд кўриб ҳал этилишини билдирилишига айтилади.

В. Хўжалик низоларини хўжалик судлари тизимининг қайси бирида кўрилишини аниқлатади.

Г. Барча жавоблар тўғри.

2. Тааллуқликни чегараловчи мезон сифатида нима хизмат қилади?

А. Низоли ҳуқуқий муносабатнинг субъектив таркиби;

Б. Низоли ҳуқуқий муносабатнинг характери;

В. Низоли ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни;

Г. А ва Б жавоблар тўғри.

3. Хўжалик судларига тааллуқли ишларни ажратинг:

А. Иқтисодий соҳасидаги юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор макomini қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

Б. Иқтисодий соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ;

В. Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар;

Г. Барча жавоблар тўғри.

4. Хўжалик судига тааллуқли ишлар:

А. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари ;

Б. Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари;

В. Хўжалик судлари ва Ҳакамлар суди;

Г. Олий хўжалик суди, вилоят, туман, шаҳар хўжалик судлари томонидан кўрилади.

5. Олий хўжалик суди судловига тегишли ишларни ажратинг:

А. Ҳар қандай ишни кўриши мумкин;

Б. Республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иктисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

В. Ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Г. Б ва В жавоблар тўғри.

6. Ҳужалик низоси бўйича даъвогар қайси ҳужалик судига мурожаат этиши мумкин:

А. Ҳар қандай ҳужалик судига;

Б. Фақат шартномада кўрсатилган ҳужалик судига;

В. Жавобгар жойлашган жойдаги ҳужалик судига;

Г. Тўғри жавоб йўқ.

7. Ишларни ҳужалик судларида кўриш учун нима асос бўлади:

А. Бу тўғрида тарафлар ўртасида келишув бўлганида;

Б. Судга бериш конун ҳужжатлари билан назарда тутилган бўлса ;

В. А ва Б жавоблар тўғри;

Г. Ҳамма жавоблар тўғри

8. Алтернатив судловлилик нима?

А. Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарларнинг бири жойлашган жойдаги ҳужалик судига тақдим этилиши тушунилади.

Б. Даъвогар жойлашган жойдаги ҳужалик судларидан бирига мурожаат этиши тушунилади.

В. Жавобгар жойлашган жойдаги ҳужалик судига мурожаат этиш тушунилади.

Г. В ва В жавоблар тўғри.

Талаба ушбу мавзуни очишда: суд буйруғи тушунчаси, суд буйруғи асосида қарзларни ундириш, суд буйруғи бериш бўйича талаблар, аризанинг шакли ва мазмуни, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхасини қарздорга топшириш, аризани қабул қилишни рад этиш асослари, суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари, суд буйруғининг мазмуни, суд буйруғини бекор қилиш тартиби масалаларига эътиборни қаратиши лозим.

Бу масалаларни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси процессуал кодексининг 14-боби нормаларини таҳлил қилинишини такозо қилади.

Мавзуни ўрганишда алоҳида ўрганишни талаб қиладиган масалалардан яна бири бу даъво келтириш тартиби ва унга амал қилмаслик оқибатлари масалаларидир. Амалий ўзлаштирилиши лозим бўлган масалалар даъво аризаси, унинг мазмуни, унга илова қилинадиган ҳужжатлардир. Даъво аризасини қабул қилиш тартиби, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ва қайтариш масалаларини ўрганаётганида талаба аввало уларнинг бир-биридан фарқловчи томонларини ажратишдан бошлаши, шунингдек уларнинг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини ҳам ўзлаштирилиши талаб этилади. Талаба даъво аризаси юзасидан билдириладиган ёзма фикр қарши даъво нима, деган саволларга ҳам жавоб излаб топиши керак.

Хўжалик судларида ишни судда кўришга тайёрлаш ва ишни кўриш масаласини ўрганаётганида судья томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар доирасини чуқур ўзлаштиргани тақдирда хўжалик судларида ишни кўришга тайёрлашнинг аҳамияти нимада эканлигини англаб оладилар ва ишни судда кўришга тайёрлашнинг мазмуни ҳақида, ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракати тўғрисида тасаввурга эга булган ҳолда, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичидаги чиқариладиган ажримнинг мазмунида нималар бўлиши керак деган саволга ҳам жавоб топадилар. Ушбу мавзуни ўзлаштириш давомида яна ўзлаштирилиши лозим бўлган, амалий аҳамият касб этувчи масалалардан яна бири бу хўжалик суди хабарномалари ва чакирувларидир. Талаба ушбу мавзуни ўзлаштириш учун ЎР ХПК нинг 15 ва 16 – боби коидаларини ва ЎР Олий Хўжалик Суди Пленумининг қарорларини чуқур таҳлил қилиб чиқмоғи лозим.

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Суд буйруғи нима ва уни бериш бўйича қандай талаблар қўйилади.

2. Суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари.

3. Даъво аризасининг шакли ва мазмуни, унга илова қилинадиган хужжатлар.

4. Даъво аризасини қабул қилиш тартиби.

5. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ва қайтариш.

6. Ишни судда қўришга тайерлаш.

7. Ишни судда қўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим.

2. Қуйидаги тест саволларини ҳал қилинг:

1. Суд буйруғи қандай хужжат?

А. Хўжалик судининг ижро хужжати кучига эга;

Б. Кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги аризаси бўйича судья чиқарган хужжатдир;

В. Даъвогарнинг даъвоси юзасидан хўжалик суди томонидан чиқарилган қарордир.

Г. А ва Б жавоблар тўғри.

2. Суд буйруғи қандай муддатда ижрога тақдим этилиши мумкин?

А. Буйруқ берилгач ўн кунлик муддат ўтгандан сўнг;

Б. Буйруқ берилгач бир ойлик муддат ўтгандан сўнг;

В. Ариза билан мурожаат этилгандан кейин бир ойлик муддат ичида;

Г. Даъво билан мурожаат этилгач 20 кунлик муддат ичида.

3. Суд буйруғини бериш тартиби:

А. Судья суд буйруғини ишни судда қарздор ва ундирувчини эшитгач беради;

Б. Судья суд буйруғини ишни судда муҳокама қилмасдан қарздор ва ундирувчини чақирмасдан ҳамда уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан беради;

В. Судья суд буйруғини даъво аризаси келиб тушиши билан беради;

Г. Тўғри жавоб йўқ.

4. Даъво аризасини хўжалик судига бериш шакли ва тартиби.

А. Ёзма шаклда, давлат божини тўлагач берилади;

Б. Ёзма шаклда, даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини юборгач берилади;

В. Жавобгар билан судгача низони ҳал қилиш тўғрисидаги қоидага риоя қилгач берилади;

Г. Барча жавоблар тўғри.

5. Даъво аризасини қабул қилиш масаласини ким ҳал қилади?

А. Судьянинг яққа ўзи ҳал қилади;

Б. Коллегиал асосда ҳал қилинади;

В. Хўжалик судининг раиси томонидан ҳал қилинади;

Г. Ҳамма жавоблар тўғри

6. Судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан бошлаб:

А. 10 кунда;

Б. 20 кунда;

В. 1 ойда;

Г. 30 кунда қандай ҳужжат чиқаради?

А. қарор;

Б. суд буйруғи;

В. ажрим;

Г. Ҳал қилув қарори

7. Судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиши мумкинми?

А. Йўқ, фақат қайтариши мумкин;

Б. Ҳа.

В. Рад этиши мумкин, агар асослар бўлса;

Г. Тўғри жавоб йўқ.

8. Ёзма фикр ким томонидан, қандай муддатда хўжалик судига юборилади?

А. Даъвогар томонидан 10 кунлик муддат ичида юборилади.

Б. Ишда иштирок этувчи шахс иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда юборади;

В. Жавобгар томонидан иш кўрилгунига қадар юборилади;

Г.А ва В жавоблар тўғри.

9. Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда нималар ўз ифодасини топиши лозим?

А. Ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар;

Б. Ишда иштирок этвчи шахслар тўрисидаги маълумотлар, суд мажлисининг ўтказилиш жойи ва вақти;

В. Кўриладиган иш, суд мажлисининг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисидаги маълумотлар;

Г. Ишнинг тартиб раками, хўжалик судининг номи, ишни кўриш вақти ва жойи.

10. Ишни судда кўришга тайерлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар қандай муддатда амалга оширилиши лозим?

А. Ариза келиб тушгач, 3 кунлик муддатда;

Б. Ҳужжатлар судьянинг қўлига келиб тушгач 10 кун ичида;

В. Даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай;

Г. Даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб 5 кундан кечиктирмай.

Хўжалик суди мажлисида низоларни ҳал қилиш

Хўжалик процессуал ҳуқуқининг марказий мавзуси айнан хўжалик суди мажлисида низоларни ҳал қилиш мавзуси ҳисобланади. Чунки айнан хўжалик судлари ўзларининг зиммаларига юклатилган асосий вазифа одил судловни хўжалик суди мажлисида хўжалик низосини ҳал қилиш орқали амалга оширади. Бу мавзунини ўрганишни талаба хўжалик судида ишни кўриш тушунчасини аниқлашдан бошлаши керак. Талаба хўжалик судида ишни кўриш муддати қандай бўлиши керак ва унинг аҳамияти қандай, хўжалик суди мажлисида ишни кўришнинг процессуал тартиби қандай, даъво аризасига фикр билдирилмаганда ва судья томонидан талаб қилинган материалларни тақдим этилмаганда, низони тарафларнинг ва уларнинг вакилларининг иштирокисиз кўриш мумкинми деган саволларга жавоб излаб топиши лозим.

Хўжалик процессининг янги институтларидан бири бўлган тарафларнинг келишуви масаласига ҳам алоҳида эътиборни қаратиши лозим. Ишни кўришнинг кейинга қолдириш мумкинми, деган савол ҳам ўзининг ечимини топмоғи даркор. Ишни кўришнинг тамомланиши. Ишни кўришни тўхтатилиши ва уни тикланиши масалаларига тўхталиб ўтиш кераклигини унутмаслик лозим.

Талаба мавзунини ўрганишда ҳал қилув қарори чиқарилмасдан ишни тугатиш шакллари ажрата олиши, ишни кўришни тугатиш, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Хўжалик суди мажлисида суд мажлисининг баённомаси юритиладими, агар юритилса унда нималар ўзини ифодасини топмоғи лозимлигини ҳам аниқланса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Биринчи инстанция хўжалик судларида алоҳида тоифадаги ишлар тушунчаси, уларнинг турлари ва кўриш тартибини алоҳида эътибор билан ўзлаштирилиши, бозор иқтисодиёти шароитида янги вужудга келган институтларни ўзлаштириш имконини беради. Одил судловнинг муҳим ақти сифатида хўжалик суди томонидан чиқариладиган ҳал қилув қарорининг тушунчаси ва турлари, хўжалик суди ҳал қилув қарорларининг моҳияти ва аҳамияти, ҳал қилув қарорини қабул қилиш тартиби ва унинг мазмуни нимадан иборат бўлиши кераклигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилишини тақозо этади.

Ҳал қилув қарорини эълон қилиш, унинг қонуний қучга кириши ва ижросини таъминлаш масалалари, ҳал қилув қарорларининг қамчиликларини тўғрилаш масалалари ҳам эътиборга олинishi лозим.

Хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ичида ажримнинг ўрни, аҳамияти, ажримни чиқариш тартиби ва унинг мазмунини ҳам алоҳида эътибор билан ўрганиши керак. Хусусий ажрим

нима, уни қандай ҳолларда қабул қилиниши мумкин эканлигини ҳам унутмаслик керак.

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Судда ишни кўриш тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Суд мажлисида иш кўришнинг процессуал тартиби. Суд мажлисининг босқичлари.
3. Ишни кўришни кейинга қолдириш, иш юритишни тўхтатиш, иш юритишни тугатиш, аризани кўрмасдан қолдириш тушунчалари ва тартиби
4. Тарафларнинг келишув битими.
5. Суд мажлисининг баенномаси ва унинг хўжалик процессидаги аҳамияти.
6. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори, унинг моҳияти, мазмуни, қабул қилиш тартиби, аҳамияти, унинг қонуний кучга кириши .
7. Хўжалик суди ажрими, уни чиқариш тартиби ва мазмуни.

2. Қуйидаги берилган тест саволларини ечимини топинг.

1. Хўжалик судларида ишлар қандай муддатда кўрилиши лозим:

А. Ариза келиб тушганидан кейин 1 ойлик муддат ичида;

Б. Ишни судда кўришга тайерлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;

В. Ишни судда кўришга тайерлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда;

Г. Ариза келиб тушганидан кейин 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда.

2. Хўжалик ишларини ҳал қилишда суд мажлисининг босқичлари:

А. Тайёрлов жараёнида, суд музокаралари, қарор чиқариш ва уни эълон қилиш;

Б. Ишни мазмуни бўйича кўриш, суд музокаралари, қарор қабул қилиш;

В. Тайёрлов жараёнида, ишни мазмуни бўйича кўриш, суд музокаралари, қарор чиқариш ва уни эълон қилиш;

Г. Мажлисни очиш қисми, суд тарқибини эълон қилиш, мажлисни олиб борилиши, қарор қабул қилиниши.

3. Судьяни қандай ҳолларда рад этиш мумкин:

А. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

Б. Шу иш илгари кўрилганда эксперт ёки таржимон, прокурор, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса;

В. Ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор мавжуд бўлса;

Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

4. Судьяни рад қилиш масаласини ким ҳал қилади?

А. Раис;

Б. Суд Ҳайъатининг раиси;

В. Кўпчилик овоз бериш йўли билан;

Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

5. Хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда:

А. Ҳал қилув қарори ;

Б. Қарор;

В. Ажрим

Г. Суд буйруғи қабул қилади.

6. Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида суд қандай ҳужжат қабул қилади?

А. Ҳал қилув қарори;

Б. Қарор;

В. Ажрим;

Г. Суд буйруғи.

7. Тарафларнинг келишув битими қандай расмийлаштирилади?

А. Ёзма

Б. Ёзма хўжалик суди томонидан тасдиқланади ва бу ҳақда ажрим чиқарилиб, унда иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилади.

В. хўжалик суди томонидан тасдиқлангач, буйруқ чиқариш йўли билан расмийлаштирилади.

Г. хўжалик судининг қарори билан тасдиқланиб, ёзма расмийлаштирилади.

8. Хўжалик судида процессуал ҳаракатлар бажарилганда қандай ҳужжат тузилади?

- А. Буйруқ
- Б. Қарор
- В. Баённома
- Г. Ажрим

9. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кимнинг номидан қабул қилинади?

- А. Олий хўжалик суди номидан
- Б. Қарор қабул қилаётган суднинг номидан
- В. Ўзбекистон Республикаси номи билан
- Г. тўғри жавоб йўқ.

10. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қачондан бошлаб қонуний кучга киради?

- А. Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб 20 кун ўтгач;
- Б. Ҳал қилув қарори қабул қилиниши билан;
- В. Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин бир ойлик муддат ўтгач.
- Г. Ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин 10 кунлик муддат ўтгач.

Хўжалик суди ҳал қилув қарорларини қайта кўриш

Хўжалик процессуал қонунчиликнинг демократик тамойиллари суд фаолиятида асосли ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларнинг чиқарилишини таъминлашга қаратилгандир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда хўжалик жараёнининг янги институти апелляция ва кассация инстанцияларини қонунчиликда киритилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатидир. Талаба ушбу мавзунини ўзлаштиришда хўжалик судларида шикоят келтириш ҳуқуқи ва унинг қонуний кафолатлари, хўжалик суди ҳал қилув қарорларини қайта кўриш турлари, апелляция шикояти бериш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби ва унинг субъектлари, апелляция шикоятининг объектлари, апелляция шикоятларини келтириш муддати, тартиби ва мазмуни, апелляция шикоятини қайтариш, апелляция инстанциясида ишни кўриш тартиби, чегараси, муддати, апелляция инстанциясининг ваколатлари, апелляция инстанциясининг қарорлари ва уларга шикоят келтириш тартиби тўғрисидаги масалаларни ўзлаштириши лозим.

Талаба шунингдек, кассация шикояти келтириш ҳуқуқи, унинг субъектлари ва объектлари, кассация инстанциясида иш юритиш тушунчаси, кассация шикояти келтириш тартиби ва муддати, кассация шикоятининг мазмуни, кассация шикоятини қайтариш, кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш, кассация инстанциясининг ваколатлари, кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби, муддати, чегараси, ҳал қилув қарорлари, қарорни, ажримни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари, кассация инстанциясининг қарори, кассация инстанцияси кўрсатмаларининг мажбурийлиги масалаларини ҳам чуқур ўрганиши керак.

Суд ҳужжатларини қайта кўриш турларидан бири бўлган ишларни назорат тартибида қайта кўриш масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Талаба бунда хўжалик судлари қарорларини назорат тартибида қайта кўриш-алоҳида босқич эканлигини, хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларни назорат тартибида қайта кўришнинг мазмуни ва аҳамияти, хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларига назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, протест келтириш ва уни кўриш тартиби, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари, ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиш тартиби ва хўжалик суди кўрсатмаларининг мажбурийлигини ўзлаштириши талаб этилади.

Талаба янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тушунчасини, янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш асосларини, янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш тартиби ва муддатини ўрганиши лозим.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрувчи хўжалик судлари, улар томонидан аризаларни текширишнинг процессуал тартиби, қайта кўриш натижаларини расмийлаштиришни ўрганмоғи даркор.

1.Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Хўжалик суди қарорлари қайта кўрилиши тушунчаси ва турлари.

2. Апелляция шикоятни келтириш тартиби, муддати.

3. Апелляция инстанциясининг ваколатлари.

4. Апелляция инстанциясининг қарори.

5. Кассация шикоятни бериш ҳуқуқи.

6. Кассация шикоятининг мазмуни.

7. Кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби ва муддати.

8. Кассация инстанциясининг ваколатлари.

9. Кассация инстанциясининг қарори.

10. Назорат тартибида иш юритиш, унинг ўзига ҳос хусусиятлари.

11. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асослари.

12. Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани бериш ва уни кўриш тартиби.

2. Қуйидаги берилган тест саволларини ҳал қилинг:

1. Ҳал қилув қарорларини қайта кўриш бўйича иш юритишнинг турлари кўрсатилган қаторни аниқланг:

А. Апелляция, кассация, назорат;

Б. Апелляция, кассация, янги очилган ҳолатлар;

В. Апелляция, назорат, кассация;

Г. Апелляция, кассация, назорат, янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш.

2.Апелляция шикоятни бериш ҳуқуқи кимга берилган?

А.Даъвогарга;

Б.Жавобгарга;

В.Ишда иштирок этувчи шахсларга;
Г.Тарафларга ва прокурорга.

3.Апелляция шикоятини қайси хўжалик суди қўради?

А.Олий хўжалик суди;
Б.Ҳал қилув қарорини қабул қилган биринчи инстанция суди;
В.Олий хўжалик судининг судлов Ҳайъати;
Г.Вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди.

4.Апелляция шикоятини келтириш муддати қанча?

А.Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 ой ичида;
Б.Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб 1 ой ичида;
В.Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида;
Г.Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 20 кун ичида.

5.Апелляция шикоятдан воз кечиш мумкинми?

А.Мумкин эмас;
Б.Қарор чиқарилгунга қадар ҳақли;
В.Воз кечиши мумкин;
Г.Б ва В жавоблар тўғри

6.Кассация шикояти бериш ҳуқуқи кимга берилган?

А.Прокурорга;
Б.Ишда иштирок этувчи шахсларга, прокурорга;
В.Ишда иштирок этувчи шахсларга;
Г.Тарафлар ва прокурорга.

7.Кассация шикояти(протести)ни бериш тартиби:

А.Олий хўжалик судига қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида;
Б.Олий хўжалик судига қарор қабул қилинган, 1 ойлик муддат ичида;
В. Олий хўжалик судига ҳал қилув қарори қабул қилган хўжалик суди орқали 1 ойлик муддат ичида;
Г.Ҳал қилув қарори ва қарор қабул қилган хўжалик судига 10 кунлик муддат ичида берилади.

8.Кассация шикоятини кўриш муддати қанча?

А.Кассация шикояти Олий ҳўжалик судига келиб тушганидан бошлаб 10 кун ичида;

Б.Кассация шикояти Олий ҳўжалик судига келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида;

В.Кассация шикояти(протести) иш билан бирга Олий ҳўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ой ичида;

Г.Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ойлик муддат ичида.

9.Назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқланг:

А. ЎР Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари;

Б. ЎР Олий ҳўжалик судининг раиси, унинг ўринбосарлари, ЎР Бош прокурори, унинг ўринбосарлари;

В. ЎР Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, прокурорлар.

Г. Барча жавоблар тўғри.

10.Судьяларнинг ишни кўриш вақтидаги жиний қилмишлари ҳўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўладими?

А.Бўлади;

Б.Бўлмайди

В. Суднинг қонуний кучга кирган ҳўқми билан аниқланган тақдирда бўлади;

Г. Ишотланган тақдирда бўлади.

Хўжалик суди ҳужжатларини ижро этиш

Мазкур мавзунини ўзлаштиришда талаба қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини ижро қилиш-хўжалик судлов процессининг яқунловчи босқичи эканлиги тўғрисидаги қондаларга асосланиши керак бўлади.

Талаба суд ҳужжатларини ижро этиш тартибини чуқур ўрганиши, ижро варақаси, унинг мазмуни, ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати, унинг бузилиши ва тикланиши масалаларини, ижро варақасини дубликатини бериш тартибини билиши лозим.

Суд ҳужжати ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб ижро этиш, ижро этиш тартиби ва усулини ўзгартириш, суд ҳужжатларини қайтарма ижроси, суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарлик масалаларини алоҳида эътибор билан ўрганмоғи лозим. Бу мавзунини ўзлаштиришда талаба ЎР ХПК нинг тўртинчи бўлими нормаларини ҳамда ЎР нинг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунини ҳар томонлама ўрганиши лозим.

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Суд ҳужжатларини ижро этиш тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Ижро ҳужжатларига тушунча беринг.
3. Ижро ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар.
4. Суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби.
5. Ижро ҳужжатини ижро қилмаганлик учун жавобгарлик.

2. Қуйидаги тест саволларини ҳал қилинг.

1. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» ги қонун қачон қабул қилинган ва қачондан бошлаб кучга киритилган?

- А. 2000 йил 30 апрелда қабул қилиниб, 1 июлдан кучга киритилган;
- Б. 2001 йил 29 августда қабул қилиниб, 2002 йил 1 январдан кучга киритилган;
- В. 2001 йил 29 августда қабул қилиниб, 2002 йил 1 ноябрдан кучга кирган;
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

2. Суд хужжати нима асосида ижро этилади?

- А. Суд буйруги асосида;
- Б. Ижро варақаси асосида;
- В. Қарор асосида;
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

3. Ижро варақаси қандай расмийлаш-тирилади?

- А. Судья томонидан имзоланади;
- Б. Гербли муҳр билан тасдиқланади;
- В. Хўжалик судининг раиси имзолайди ва хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланади;
- Г. А ва Б жавоблар тўғри.

4. Ижро ишнини юритишда иштирок этувчи шахслар:

- А. Ундирувчи ва қарздор;
- Б. Кредитор ва қарздор;
- В. Банк ва солиқ идораси;
- Г. Ижрочи.

5. Хўжалик суди ижро варақасини ижрога тақдим этиши учун қандай муддат белгиланган?

- А. Суд хужжатлари қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай;
- Б. Ижрони кечиктириш ёки бўлиб ижро этишда белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан;
- В. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмасдан;
- Г. Барча жавоблар тўғри.

6. Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатининг ўтказилиб юборилиши қандай Ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради?

- А. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқини вужудга келтиради;
- Б. Ўтказиб юборилган муддат тикланади;
- В. Узрли деб топилган сабаблар билан ўтказиб юборилган муддат тикланади;
- Г. А ва В жавоблар тўғри.

7. Ижро варақаси йўқотилганда тикланиши мумкинми?

- А. Мумкин;

Б. Ундирувчининг аризасига мувофиқ ижро варакасининг дубликати берилиши мумкин;

В. Ижро варакаси тикланмайди;

Г. Тўғри жавоб йўқ.

8. Ундирувчи ким?

А. Ижро ҳужжатида назарда тутилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти кимнинг зиммасига юклатилган бўлса, шу шахс ундирувчи ҳисобланади;

Б. Ижро ҳужжати кимнинг фойдасига ёки манфаатларини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахс ундирувчи ҳисобланади;

В. Муайян ваколатларга эга бўлиб, давлат номидан иш юритувчи шахс ундирувчи ҳисобланади;

Г. Б ва В жавоблар тўғри.

9. Қарздор ким?

А. Ижро ҳужжатида назарда тутилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти кимнинг зиммасига юклатилган бўлса, шу шахс қарздор ҳисобланади;

Б. Ижро ҳужжати кимнинг фойдасига ёки манфаатларини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахс қарздор ҳисобланади;

В. Маълум шахс фойдасига ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлган шахс қарздор ҳисобланади;

Г. А ва В жавоблар тўғри.

10. Ижро иши юритишда вакиллик қила олмайдиган шахслар доирасини аниқланг.

А. Вояга етмаган, васийликда ёки ҳомийликда турган шахслар;

Б. Судьялар, прокурорлар, терговчи, суриштирувчи, суд ижрочилари, суд аппарати ходимлари;

В. Банк муассасаси, солиқ идоралари, ҳокимият вакиллари;

Г. А ва Б жавоблар тўғри.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, РЕФЕРАТЛАР, КУРС ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари: тизими, вазифалари ва ваколатлари.
2. Хўжалик жараёни ва хўжалик процессуал ҳуқуқи тушунчаси.
3. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари.
4. Иқтисодий низоларни судгача (талабнома келтириш асосида) ҳал қилиш тартиби.
5. Иқтисодий низоларни ва бошқа ишларни хўжалик судларига тааллуқлилиги ва судловлилиги.
6. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат ва унинг субъектлари.
7. Даъво.
8. Хўжалик процессида далиллар.
9. Суд ҳаражатлари ва жарималар.
10. Хўжалик процессида процессуал муддатлар.
11. Биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш, суд буйруғи.
12. Хўжалик судида иш кўзгатиш.
13. Ишни судда кўришга тайёрлаш.
14. Хўжалик суди мажлисида низоларни ҳал қилиш.
15. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ва ажрими.
16. Алоҳида тоифадаги ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари.
17. Апелляция инстанциясида иш юритиш.
18. Кассация инстанциясида иш юритиш.
19. Назорат тартибида иш юритиш.
20. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш.
21. Суд ҳужжатларини ижро этиш.
22. Чет эл ташкилотлари, Ҳалқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритиш, турли давлатлар хўжалик судларининг ҳамкорлиги.

Курс ишлари (назорат ишлари) мавзуларининг намунавий рўйхати.

1. Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида хўжалик судлари.
2. Хўжалик низоларининг моҳияти.
3. Хўжалик процессуал қонунчилигининг ривожланиши.
4. Хўжалик процессуал ҳуқуқининг манбалари.
5. Ишда иштирок этувчи шахслар.

6. Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари.
7. Хўжалик судида вакиллик.
8. Иш юритишни тўхтатиш ва тугатиш.
9. Биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш.
10. Суд ҳужжатлари.
11. Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари.
12. Алоҳида тоифадаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.
13. Ҳал қилув қарорларини қайта кўриш бўйича иш юритиш.
14. Апелляция инстанциясида иш юритиш.
15. Кассация инстанциясида иш юритиш.
16. Назорат тартибида иш юритиш.
17. Янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш.
18. Хўжалик суди ҳужжатларини ижро этиш.
19. Суд ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчилик.
20. Чет эллик шахслар иштирокида иш юритиш.
21. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари.
22. Иктисодий низоларнинг тааллуқлилиги.
23. Иктисодий низоларни ва бошқа ишларни хўжалик суди судловиға тегишлилиги.
24. Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида - тарафлар.
25. Хўжалик судлари - хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида.
26. Биринчи инстанция хўжалик судларида иш юритиш.
27. Суд буйруғи.
28. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш.
29. Хўжалик суди мажлисининг тартиби.
30. Хўжалик судининг ажрими.

1. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон. 1995.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон. 1997. Т.5.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон. 1998.
5. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Миллий давлатчилик, истиклол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. -Т.: ИИВ Академияси., 1999.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000. Т.8.
7. Каримов И.А. «Адолат - қонун устиворлигида». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясиги маърузаси, Халқ сўзи., 2001 йил 30 август.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.: Ўзбекистон. 2002. Т.10.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон. 2003. Т.11.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. -Т.: Ўзбекистон. 2005.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. -Т.: Ўзбекистон. 2005.
12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Ўзбекистон овози”, 2006 й. 8 декабрь. 145 (27.636)-сони.
13. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2007 й. 13 февраль. № 31 (4184).
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига

- бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза. 2007 йил 30 август. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси VI қурултойидаги маъруза. 2007 йил 6 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
 16. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент.: Маънавият, 2008.
 17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
 18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009.
 19. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
 20. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 27 январ.
 21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг ялпи яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ.
 22. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
 23. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллига бағишланган тантанали маросимда сўзи, “Ўзбекистон овози” газетаси, 2010 йил 1- сентябрь.
 24. Каримов И. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир”, “Ишонч” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.
 25. Каримов И. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
 26. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош

мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2012 й.

27. Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажигимизнинг асосий омилидир //Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ овози, 2013 йил 7 декабр.
28. Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажигимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.-Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2013.
29. Каримов И.А. 2014 йил юқори оғзиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, оғзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. /Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мо`лжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор ёналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги ма`руза 2014 йил 17 январ.-Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2014.-64 б.
30. Каримов И.А. Тинчлик ва аҳиллик-мамлакатимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир //Ўзбекистон овози, 2014 йил 10 май.
31. Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажигимизнинг асосий омилидир //Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ овози, 2013 йил 7 декабр.
32. Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажигимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.-Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2013.
33. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. /Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мо`лжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги ма`руза 2014 йил 17 январ.-Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2014.-64 б.
34. Каримов И.А. Тинчлик ва аҳиллик-мамлакатимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигининг асосидир //Ўзбекистон овози, 2014 йил 10 май.

2. Норматив-ҳуқуқий актлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.: Адолат, 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Т.:Адолат, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги 14 декабрь 2000 й. Қонуни (Янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. –2001. -№1-2-сон, 10-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 29 август 2001 й. Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -2001. -№9-10 –сон, 169-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги 24 апрель 2003 й. Қонуни (Янги таҳрири)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. –2003. -№ 5-сон, 63-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 29 август 1998 й. Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси.- 1998 9-сон, 170-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 25 июль 1996 йил Фармони//Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари тўплами 1995-1999. 4-сон. –Т.:Адолат, 2000.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари қарорларини ижро этишни таъминлашга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги 5 февраль 1997 йил Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари тўплами. 1995-1999. 4-сон. – Т.:Адолат, 2000.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида” ги Фармони 2005 йил 24 июнь.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2005 йил 14 июнь.
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонига илова: “Тадбиркорлик субъектларига нисбатан факат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати” 2005 йил 14 июнь.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” ги Қарори. -2005йил 15 июнь

3. Дарслиklar.

1. Шорахмедов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал ҳукуки. -Т.: -Адабиёт жамғармаси. -2001.

4. Ўқув қўлланмалар.

1. Отахонов Ф.Х. Хозяйственное процессуальное право/Учебное пособие.-Т.: -2003. – 262 с.

5. Ўқув-услубий қўлланмалар.

1. Бурханходжаева Х.В Хўжалик процессуал ҳукуки(услуби қўлланма). -Т.: ТДЮИ, 2003.
2. Бурханходжаева Х.В., Дўстов У.Н. Хўжалик процесси(схемаларда). -Т.: ТДЮИ, 2002 .
3. Отахонов Ф.Х. Хозяйственное процессуальное право (учебно-методическое пособие для студентов заочного обучения).-Т.: ТДЮИ, 2003.

6. WEB ресурслар.

1. <http://www.pravo.by/win/1>
2. <http://www.court.by/law/p>.

7. Хорижий адабиётлар.

1. Анохин В.С Арбитражное процессуальное право России. -М.:ГИЦ Владос, 1999.
2. Асьянов Ш. Лица, участвующие в деле //Ж:Хозяйство и право. -1998. -№ 5.
3. Арбитражный процесс/Учебник под ред. Яркова В.В. -М.: Юрист, -1998 .
4. Арбитражный процесс/Учебник под ред. Треушникова М.К., Юрист, Бюро Городец. -М.: -1997.

8.Қўшимча адабиётлар.

1. Абдусаломов М. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари. Т., “Шарк” 1998.
2. Абдусаломов М., Отахонов Ф. Контракция шартномаси: талабнома ва даъво аризаси. -Т.: Адолат, -1998.
3. Абдусаломов М.Э. Хўжалик судларида тадбиркорлар ҳукукларини химоя қилиш усуллари Тадбирокрлик субъектлари ҳукукларини химоя қилиш муммолари. Маъруза тезиси Конференция материаллари. –Т.:ТДЮИ, 2003.
4. Азимов М.К. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (Ўзбекистон республикаси ХПКга шарҳлар)//Ж: Хўжалик ва ҳуқук. -1998.- №2.
5. Азимов М.К. Хўжалик суди таркиби. Раддия (Ўзбекистон Республикаси : Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар)//Ж: Хўжалик ва ҳуқук, 1998. - № 7.
6. Азимов М.К. Ж: Хўжалик судига даъво келтириш//Ж: Хўжалик ва ҳуқук, - 1998 -№ 1.

7. Азимов М.К., Низоларни Ж: Хўжалик судларига тааллуқлилиги //Ж: Хўжалик ва ҳуқук. -1998. - № 2.
8. Дўстбобоев А.Б. Производство кассационной инстанции //Ж: Хозяйство и право”, 2000. №7. С.59-69
9. Отахонов Ф.Х. Халқ хўжалигида юридик хизмат ва талабнома даъво ишларини юритиш. Т., “Адолат”. 1997.
10. Отахонов Ф.Х. Роль хозяйственных судов Республики Узбекистан в укреплении законности в хозяйственных отношениях//Хозяйство и право, - 1998. -№ 11-12 с. -58-64.
11. Отахонов Ф.Х. О некоторых вопросах рассмотрения споров, возникающих из договоров купли-продажи «Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2004.
12. Отахонов Ф.Х. Практика выдачи судебных приказов хозяйственными судами Республики Узбекистан//Ж: Хозяйство и право 2001 й. 2-сон.
13. Отахонов Ф.Х. Создание и развитие хозяйственного суда города Ташкента//Ж: Хозяйство и право. -2001.-7-сон
14. Рузиназаров Ш.Н. Законность и спаравидливость в правоприменительной деятельности хозяйственных судов Республики Узбекистан//Ж: Хозяйство и право -2002. -№ 1 -стр. 80-84
15. Рузиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини хўжалик судларида ҳимоя қилиниш масалалари. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари. Конференция материаллари. – Т.:ТДЮИ, -2003.
16. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси”. -2001.
17. Қодиров Қ.Хўжалик шартномаси: расмийлаштириш тартиби бажарилишини таъминлаш усуллар ва амалиёти. –Т.: Янги аср авлоди, - 2003.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	3
Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди: тизими, вазифаси ва ваколатлари.....	4
Хўжалик жараёни тушунчаси ва хўжалик процессуал ҳуқуқи тушунчаси.....	8
Хўжалик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари.....	12
Хўжалик процессуал ҳуқуқий муносабат ва унинг субъектлари.....	15
Хўжалик судига тааллуқли ишлар ва судловга тегишлилик.....	18
Биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш.....	21
Хўжалик суди мажлисида низоларни ҳал қилиш.....	25
Хўжалик суди ҳал қилув қарорларини қайта кўриш.....	29
Хўжалик суди ҳужжатларини ижро этиш.....	33
Семинар машғулоти, рефератлар, курс ишлари мавзуларининг намунавий рўйхати.....	36